# Qishloq hayoti

2013 йил Обод турмуш йили

Қишлоқ ҳаёти

O‘zbekiston Respublikasi ijtimoiy-iqtisodiy gazetasi www.qishloqhayoti.uz 2013-YIL 26-SENTABR, PAYSHANBA, 116 (8197)-son

1974-yil 1-yanvardan chiqa boshlagan

Bahosi kelishilgan narxda.


INFOCOM - 2013

Ахборот-коммуникация технологиялари ҳафталиги

## ЖАДАЛ ТАРАҚҚИЁТ КЎЗГУСИ

### Тошкентда “InfoCom – 2013” – Ахборот-коммуникация технологиялари (АКТ) ҳафталиги бўлиб ўтмоқда

Мазкур ҳафталик доирасидаги тадбирлар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси, Вазирлар Маҳкамасининг Компьютерлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш бўйича мувофиқлаштирувчи кенгаши, Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси, Ўзбекистон ахборот технологиялари корхона ва ташкилотлари уюшмаси ҳамда «CIB GROUP» компанияси томонидан ташкил этилмоқда.

Ҳафталик доирасида Ахборот-коммуникация технологиялари бўйича миллий саммитни ўтказиш, UZ-2013 миллий домени интернет-фестивали якунларини сарҳисоб қилиш, ёшлар ўртасида «MIT.uz» миллий интернет-танлови ғолибларини тақдирлаш, «ICT Expo» ахборот технологиялари халқаро кўргазмаси, Ўзбекистонда интернет-провайдинг ва миллий контентни ривожлантириш масалаларига оид давра суҳбати, «Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш жараёнларини қонуний тартибга солиш масалалари» мавзусида халқаро семинар ўтказиш, шунингдек, ёшлар ўртасида дастурий таъминот ишлаб чиқиш бўйича «Best Soft Challange» танлови ғолибларини ҳамда е-спорти – компьютер ўйинлари бўйича «Uzbekistan Cyber Games – 2013» Ўзбекистон чемпионатининг финал босқичи ва унинг ғолибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтади.



**Ҳафталикнинг биринчи кунида UZ миллий домени интернет-фестивали якунлари сарҳисоб қилинди.**

Мамлакатимизда интернет-фестиваль 2001 йилдан буён ўтказиб келинмоқда. 2007 йилдан бошлаб интернет тармоғининг Ўзбекистонга тегишли сегменти ресурсларини ривожлантириш мақсадида UZ миллий домени интернет-фестивали ўтказилмоқда. Фестивалнинг асосий вазифалари аҳолининг барча қатламлари орасида интернет тармоғини оммалаштириш, миллий контентни ривожлантиришга кўмаклашиш ҳамда ўзбек тилининг бутунжаҳон ахборот тармоғида қўлланиш кўламини кенгайтиришдан иборат.

Фестиваль танлов дастури ўнта мавзу ва иккита махсус номинацияни ўз ичига олди. 2013 йилги фестиваль танлов дастурининг аввалгисидан фарқи — бу сафар “Тармоқ сервислари соҳасидаги энг яхши сайт” тоифасига “Электрон тижорат” махсус номинацияси киритилди. Жорий йилда танловга 900 дан ортиқ ариза келиб тушди, танловда 452 сайт иштирок этди. Овоз беришнинг биринчи тури якунларига кўра, ҳайъат томонидан финалда иштирок этадиган 92 сайт танлаб олинди ҳамда уларга “Фестиваль совриндори” дипломи топширилди. Фестивалда ғолиб бўлган сайтларнинг 65 фоизга яқини ўзбек тилидаги шаклига эга.

**(Давоми 3-саҳифада)**

Бухоро Вилояти




## ЗАМОНАВИЙ ТЕХНОЛОГИЯ АСОСИДА

Вобкент туманида фаолият кўрсатаётган “Бухоро-Баҳор” Ўзбекистон-Хитой қўшма корхонасида замонавий технология асосида маҳаллий хомашёдан 30 турдаги кир ювиш воситаси ишлаб чиқарилмоқда.

Кунига 70-80 тонна кир ювиш кукуни тайёрлаш қувватига эга корхонада юзга яқин киши иш билан банд. Иш уч сменада олиб борилаётган завод маҳсулотлари экспортга ҳам йўналтирилмоқда.

**СУРАТДА:** *ишчилар Шаҳзод Мустафоев ва Мадина Чўллиева.*

**Тоҳир ИСТАТОВ (ЎзА) олган сурат.**

**1 ОКТЯБРЬ – ЎҚИТУВЧИЛАР ВА МУРАББИЙЛАР КУНИ**

## ФАОЛЛИК ВА ТАШАББУСКОРЛИК ЭЪТИРОФИ

**Ўқитувчилик – энг улуғ ва мўътабар касб. Юртимизда таълим тизимига қаратилаётган эътибор туфайли бу шарафли касб янада қадр топди.**

**Юртбошимиз ташаббуси билан 1 октябрь – Ўқитувчилар ва мураббийлар кунининг умумхалқ байрами сифатида кенг нишонланиши ҳам ушбу касб эгаларининг нечоғли улуғланаётганлигининг яққол ифодасидир.**

Байрам арафасида Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳамда соҳага дахлдор идоралар ва ташкилотлар ҳамкорлигида ташкил этилган кўрик-танловлар ўқитувчи ва мураббийларнинг фаоллиги ҳамда ташаббускорлигини янада оширишга хизмат қилди.

Ташкилотчилик, ташаббускорлик, энг аввало, раҳбарларга хос хусусиятдир. Таълим самарадорлигини ошириш, тартиб ва интизомни мустаҳкамлаш ҳам асосан раҳбарга боғлиқ. Бу жиҳат “Йилнинг энг яхши мактаб директори” республика кўрик-танловида янада ёрқин намоён бўлди. Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва барча вилоятлардан 28 нафар умумтаълим мактаби директори иштирок этган танловда иштирокчиларнинг педагоглик, раҳбарлик қобилияти, ишбилармонлиги, ташаббускорлиги синовдан ўтказилди. Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва барча вилоятлардан биттадан мактаб директори ғолиб деб топилди.

Мамлакатимиз таълим тизимидаги ислоҳотлар самарасида фарзандларимиз замонавий мактаб, коллеж ва лицейларда, сўнгги русумдаги компьютер, лингафон, ўқув-лаборатория ускуналари билан жиҳозланган кенг ва шинам синфхоналарда таълим олишмоқда. Бугунги кунда ўқувчилар учун илгаригидек бир қолипдаги дарслар зерикарли. Шу боис, ўқувчиларнинг қизиқиш ва интилишларини ҳисобга олинган ҳолда дарс жараёнида мавзуга ижодий ёндашиб, илғор педагогик технологиялардан, ноанъанавий усуллардан фойдаланиш бугуннинг талаби. Мутахассисларнинг фикрича, дарсларда, айниқса, кўргазмали қуроллар, тест, таълимий ўйин ва содда бошқотирмалардан фойдаланиш самаралидир. Буларнинг барчаси ўқитувчидан яна бир фазилатни – психолог бўлишни тақозо этади. Айниқса, ёшларни ўзи танлаган соҳа бўйича тўғри йўналтириш ва уларни малакали мутахассис сифатида камолга етказишда амалиётчи психологлар маслаҳатларининг ўрни беқиёс.

**(Давоми 3-саҳифада)**

# ҚОНУНЧИЛИКНИ ДЕМОКРАТЛАШТИРИШНИНГ САМАРАЛИ МЕХАНИЗМИ

**Самарқанд шаҳрида «Фуқаролик институтлари ва меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг жамоатчилик экспертизаси: қонунчиликни демократлаштириш масалалари» мавзусида халқаро илмий-амалий семинар бўлиб ўтди.**

Тадбир Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти томонидан Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти, Адлия вазирлиги, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси билан ҳамкорликда ЕХҲТнинг мамлакатимиздаги лойиҳалари мувофиқлаштирувчиси, Германиянинг Ф.Эберт номидаги жамғармаси ва Миллий демократия институти (АҚШ) ҳамда БМТ Тараққиёт дастурининг ваколатхоналари кўмагида ташкил этилди.

Семинарда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари, давлат ва жамоат тузилмалари, ЮНЕСКО, ЕХҲТ, Ф.Эберт ва К.Аденауэр номидаги жамғармалар, Миллий демократия институти (АҚШ) вакиллари, Бельгия, Болгария, Германия, Жанубий Корея, Россиядан халқаро экспертлар иштирок этди.

Мамлакатимизда Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида истиқлолнинг дастлабки йилларидан инсон, унинг ҳуқуқлари ва эркинлиги олий қадрият ҳисобланган демократик ҳуқуқий давлат ва очиқ фуқаролик жамиятини барпо этишга қаратилган кенг кўламли ислоҳотлар изчил ва босқичма-босқич амалга оширилмоқда. Белгиланган мақсадларга эришиш учун Конституциямизга асосланган демократик ислоҳотларнинг қонунчилик базаси яратилиб, тобора такомиллаштирилмоқда.

Мамлакатимизда қабул қилинаётган қонунлар сифати ва самарадорлигини янада ошириш, қонун ижодкорлиги жараёнини меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни тайёрлаш ва қабул қилишнинг очиқ-ошкоралик принципларига мувофиқ такомиллаштириш, аҳоли турли қатламларининг ҳуқуқлари, эркинлик ва манфаатларини ҳар томонлама ҳисобга олиш, фуқаролар ҳамда фуқаролик жамияти институтларини ушбу жараёнга фаол жалб қилишга алоҳида эътибор қаратилаётир. Буларнинг барчаси аҳолининг сиёсий-ҳуқуқий маданиятини ошириш, одамлар онгида демократик қадриятларни мустаҳкамлаш, фуқароларда мамлакатимизда амалга оширилаётган демократик туб ўзгаришларга дахлдорлик туйғусини ва уларни ҳаётга татбиқ этишга оид масъулиятни шакллантиришга хизмат қилмоқда.

Қонунчиликни такомиллаштириш, уни демократлаштириш жараёнида мамлакатимизда икки палатали парламент – кўппартияли асосда шакллантириладиган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ташкил қилинди, унинг палаталари, сиёсий партияларнинг парламент қуйи палатасидаги фракциялари, жойлардаги депутатлар гуруҳларининг қонун ижодкорлиги, назорат-таҳлил фаолияти самарадорлигини ошириш, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларини шакллантиришда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш, қонун ҳужжатларининг ижро ҳокимияти органлари томонидан бажарилиши устидан парламент ҳамда депутатлар назоратини амалга оширишга доир чора-тадбирлар кўрилди.

Давлат ишларини бошқариш, демократик ислоҳотларни ҳаётга татбиқ этиш устидан жамоатчилик назоратини амалга оширишда фуқаролар иштирокини кенгайтириш мақсадида нодавлат нотижорат ташкилотлари, жамоат тузилмалари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳуқуқ ҳамда ваколатларини янада мустаҳкамлашга доир улкан ишлар бажарилди. Улар бугунги кунда демократик қадриятлар ва фуқароларнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, мамлакатимизда фуқаролик жамияти шакллантиришнинг кафолати бўлиб хизмат қилмоқда. Шу билан бирга, фуқароларнинг сиёсий-ҳуқуқий маданияти ва ижтимоий-сиёсий фаоллиги изчил ошмоқда, ҳуқуқий таълим ва билим даражаси тубдан яхшиланмоқда, аҳолининг онгида инсон ҳуқуқ ва эркинликларига ҳурмат туйғуси шакллантирилмоқда, қонун устуворлиги, Конституцияда белгилаб қўйилган меъёрларга сўзсиз риоя этиш таъминланмоқда.

2000 йил 14 декабрда қабул қилинган «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида»ги қонунда фуқаролик жамияти институтларини меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни тайёрлаш, уларни жамоатчилик муҳокамасидан ўтказиш жараёнига кенг жалб этишга оид ҳуқуқий механизм ўз ифодасини топган. Бу қонун ижодкорлиги жараёни, қабул қилинаётган қонунлар сифати ҳамда самарадорлигини оширишда фуқаролар, жамоат тузилмаларининг иштирокида муҳим омил бўлди. Бу борада «Қонун лойиҳаларининг умумхалқ муҳокамаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг ҳаётга татбиқ этилиши қонун ижодкорлигини эркинлаштиришнинг мантиқий давоми бўлди. Ушбу ҳужжатга мувофиқ жамият ва давлат ҳаётининг муҳим масалаларига тааллуқли қонун лойиҳалари умумхалқ муҳокамасидан ўтказилмоқда.

Қонунчиликни демократлаштиришда қабул қилинаётган қонунлар ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар сифати ҳамда самарадорлигини кузатиб бораётган мустақил таҳлил қилувчи тадқиқот институтлари ва марказларининг роли ҳам тобора ортиб бораётир. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти, Олий суд ҳузуридаги Суд қонунчилигини демократлаштириш ва либераллаштириш ҳамда суд тизими мустақиллигини таъминлаш бўйича тадқиқот маркази, Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти шулар жумласидандир.

Семинарда Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти директори Э.Солиҳов, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикерининг ўринбосари У.Муҳаммадиев ва бошқалар шу ҳақида гапирди. Улар Ўзбекистонда қонун лойиҳаларини кенг муҳокама этиш, қонун ижодкорлигининг барча босқичларида жамоатчилик фикрини ўрганиш борасида етарлича тажриба тўпланганини қайд этди. Истиқлол йилларида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, «Референдум якунлари ҳамда давлат ҳокимияти ташкил этилишининг асосий принциплари тўғрисида» ва «Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида»ги Конституциявий қонунлар, «Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида», «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги қонунлар, Ер кодекси ва бошқа кўплаб ҳужжатлар умумхалқ муҳокамасида тақдим этилди.

Президентимиз Ислом Каримов томонидан илгари сурилган Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси қонун ижодкорлигини такомиллаштириш, давлат ва жамият ишларини бошқаришда фуқаролик институтларининг ўрни ҳамда аҳамиятини оширишда янги босқични бошлаб берди. Концепцияда белгиланган вазифаларнинг ҳаётга татбиқ этилиши фуқаролик жамияти институтларини қонун ижодкорлигини такомиллаштириш, қонун ҳужжатларини жамоатчилик муҳокамасидан ўтказишга кенг жалб қилиш учун асос бўлиб хизмат қилаётир. Шу мақсадда қиркдан ортиқ қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш бўйича махсус комиссиялар тузилди. Ушбу комиссиялар зиммасига жамоатчилик фикрини ўрганиш вазифаси юкланди.

Бельгия Сенати аъзоси Доминик Тилманснинг сўзларига кўра, Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясини амалга оширишга фуқаролик институтларини кенг жалб қилиш жараёни давлат ҳамда жамият ўртасида бирлаштирувчи бўғин, концепцияни ҳаётга самарали татбиқ этишнинг муҳим омили бўлиб хизмат қилаётир. Унинг таъкидлашича, Ўзбекистон ва Бельгиянинг қонун ижодкорлиги жараёнида жамоатчилик фикрини ўрганиш амалиёти кўплаб умумий жиҳатларга эга. Яъни, Бельгияда қонун лойиҳаларининг жамоатчилик экспертизаси қонун ижодкорлигининг мажбурий босқичи ҳисобланади. Қонун устида ишлаш кўп вақт олсада, улар юқори сифати ва самарадорлиги, амалиётга муваффақиятли жорий этилиши билан ўзини оқлайди.

Айни пайтда мамлакатимизда яна бир ҳужжат – «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида»ги қонун лойиҳаси кенг муҳокама этилаётир. Бу борада давлатимиз раҳбарининг 2013 йил 20 март куни қабул қилинган «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳасини ҳуқуқий тажрибадан ўтказишга оид фармойишига мувофиқ, ҳуқуқни қўллаш амалиётига янги услуб – ҳуқуқий тажрибани амалга ошириш жорий этилди. Бугунги кунда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, оммавий ахборот воситалари, фуқаролик жамияти институтлари, Бухоро ва Самарқанд вилоятларининг юридик ҳамда жисмоний шахслари қонун лойҳаси нормаларини амалда муваффақиятли синовдан ўтказмоқда.

К.Аденауэр номидаги жамғарма бошқаруви аъзоси, Тюрингия федерал ерининг собиқ бош вазири Дитер Альтхауснинг (ГФР) таъкидлашича, германиялик аксарият экспертлар Ўзбекистон Республикаси Президенти илгари сурган концепцияни ўрганиб, ислоҳотлар янги босқичга кўтарилгани ва бугун очиқ фуқаролик жамиятини барқарор ҳамда изчил шакллантиришни таъминлашга хизмат қилаётгани борасида якдил хулосага келган. «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида»ги қонун лойиҳасини такомиллаштиришга доир тажрибанинг ўтказилаётгани Ўзбекистонда қонунчиликни янада демократлаштириш ва бу жараёнга фуқароларни жалб этиш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилаётганидан далолатдир. Икки вилоятда бу борада тўпланган тажриба, шубҳасиз, мамлакат учун ғоят фойдали бўлади.

Яна шуни таъкидлаш кераки, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари мамлакатимизни модернизация қилишда фуқаролик жамияти институтлари иштирокини кенгайтиришга қаратилган «Ўзбекистон Республикасида жамоатчилик назорати тўғрисида», «Экологик назорат тўғрисида» ва «Ижтимоий шериклик тўғрисида»ги қонунлар лойиҳалари устида ҳам фаол иш олиб бормоқда. Мазкур қонунлар лойиҳаларининг кенг муҳокама этилаётгани жамоатчиликнинг ижтимоий аҳамиятга эга қўшма лойиҳа ва дастурларни ҳаётга татбиқ этишда ижтимоий шериклик масалаларида, шунингдек, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини самарали амалга оширишдан юксак даражада манфаатдорлигидан далолат беради.

– Ўзбекистондаги қонун ижодкорлиги амалиёти билан танишиб, мамлакатингизнинг меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлаш жараёнида жамоатчилик фикрини ўрганиш соҳасида илғор тажрибага эга эканига ишонч ҳосил қилдим, – деди Корея Республикаси Қонунчилик вазирлигининг қонунчилик ва маъмурий масалалар бюроси бошлиғи Жунг Се Хи. – Буни «Экологик назорат тўғрисида»ги қонун лойиҳаси умумхалқ муҳокамасидан ўтаётгани ва «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида»ги қонун лойиҳасини синовдан ўтказиш бўйича ҳуқуқий тажриба амалга оширилаётгани мисолида ҳам яққол кўриш мумкин. Таъкидламоқ лозимки, «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида»ги қонун лойиҳаси жамоатчилик фикрини ўрганиш бўйича жамоатчилик эшитувлари, жамоатчилик муҳокамаси ва жамоатчилик экспертизаси каби бутун дунёда умумэътироф этилган деярли барча механизмлардан фойдаланилган ҳолда такомиллаштирилмоқда.

Яна шуни қайд этиш жоизки, ҳуқуқий тажрибани ўтказиш давомида жамоатчилик, фуқаролик жамияти институтларини жисмоний ва юридик шахслар учун ахборот олишнинг янги имкониятлари ҳақида кенг хабардор қилишга доир чоралар кўрилмоқда. Ҳуқуқий тажрибага мувофиқ амалга оширилаётган синов самарадорлиги ва унинг субъектлари ахборот ошкоралигини таъминлашга доир фаолияти аҳоли томонидан қандай баҳоланаётганини аниқлаш мақсадида ижтимоий тадқиқотлар ҳам ўтказилмоқда. Фуқаролар мазкур синовда иштирок этиш жараёнида қонун лойиҳаси амалда қандай қўлланилаётгани, уларнинг давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари фаолиятига қизиқиши ортиб бораётгани, ҳуқуқий маданияти мустаҳкамланиб, жамоатчилик ҳаётида иштироки фаоллашаётганининг гувоҳи бўлмоқда. Фуқаролик институтлари ва чет эллик экспертлар иштирокидаги семинарлар, конференцияларда қонун лойиҳаси халқаро экспертизадан ўтказилаётгани ҳам жуда муҳимдир.

– Бундай муҳим мавзудаги халқаро семинарнинг ўтказилиши Ўзбекистонда давлат ва жамият ҳаётида амалга оширилаётган туб ислоҳотлар жараёнида сиёсий маданият, сиёсий тизимнинг ўзига хос жиҳатлари инобатга олиниши билан бирга, умуминсоний қадриятлар ҳамда халқаро тажрибага, айниқса, ҳуқуқ ва қонун устуворлиги ғоясига таяниб иш кўрилаётганидан яққол далолатдир, – деди Нотижорат ҳуқуқ маркази директори Любен Панов (Болгария). – Бу Ўзбекистонда демократик ислоҳотлар юксак самаралар беришида муҳим омил бўлаётир.

Халқаро семинар қатнашчилари Ўзбекистон тажрибаси ва халқаро амалиётни ҳар томонлама муҳокама этиб, мамлакатимизда амалга оширилаётган демократик ислоҳотлар, уларни амалга оширишга фуқаролик институтларининг кенг жалб қилинаётгани мазкур туб ўзгаришларни чуқурлаштириш, уларнинг самарадорлигини янада ошириш, аввалambор, фуқароларнинг давлат ҳамда жамият ишларини бошқаришда иштирок этиши бўйича конституциявий ҳуқуқларини ҳаётга тўла татбиқ этишга хизмат қиладиган янги босқич экани борасида якдил хулосага келди.

**Мехрибон МАМЕТОВА,**
**ЎзА мухбири.**

# ЖАДАЛ ТАРАҚҚИЁТ КЎЗГУСИ

(Боши 1-саҳифада)

Хусусан, "Энг яхши ОАВ сайти" номинациясида биринчи ўринни "Mezon.uz" ахборот-таҳлил янгиликлар сайти эгаллади. Шунингдек, "Фан ва таълим соҳасидаги энг яхши сайт" (www.ziyouz.uz), "Давлат бошқаруви ва давлат ҳокимияти органининг энг яхши сайти" (www.minzdrav.uz), "Мавзуга оид энг яхши сайт" (www.ladoshki.uz), "Маданият соҳасидаги энг яхши сайт" (www.art-blog.uz), "Тармоқ сервислари соҳасидаги энг яхши сайт" (www.e-kommunal.uz), "Электрон тижорат" (www.polis.uz), "Энг яхши корпоратив сайт" (www.ipotekabank.uz), "Спорт соҳасидаги энг яхши сайт" (www.olympic.uz), "Туризм ва саёҳат" (www.visitxorezm.uz), "Тиббиёт ва соғлиқни сақлаш" (www.med.uz), "Энг яхши шахсий сайт" (www.nasimov.uz ) номинациялари ғолиблари аниқланди. www.uz24.uz сайти эса "жорий йил кашфиёти" сифатида эътироф этилди.

**Иккинчи куни "InfoCom – 2013" – Ахборот-коммуникация технологиялари ҳафталигининг асосий воқеаларидан бири бўлган тадбир — «АКТ-саммит-2013» ахборот-коммуникация технологиялари миллий саммити бўлиб ўтди.**

Мазкур тадбир маҳаллий ва халқаро экспертларда тобора катта қизиқиш уйғотмоқда. Саммит ўтказилган дастлабки йилларда унда икки юз нафар делегат қатнашган бўлса, бу йилги тадбирда Ўзбекистон ва хорижий мамлакатлардан 600 нафардан зиёд мутахассис, жумладан, Жанубий Корея, Германия, Беларусь, Қозоғистон ва Озарбайжон вакиллари эксперт сифатида иштирок этди.

Тадбирда «АКТ давлат секторида», «Технологиялар, ишланмалар ва ечимлар», «Интернет ва ахборот ресурслари», «Ахборот-кутубхона технологиялари» каби йўналишлар бўйича олтмишга яқин маъруза тақдим этилди. Ялпи ва шўъба йиғилишларида юқори технологиялар бозорининг етакчи экспертлари, давлат органлари, жамоат ва халқаро ташкилотлар вакиллари, мамлакатимиз ва чет эл IT-компаниялари раҳбарлари ҳамда мутахассислари АКТни жамият ҳаётининг турли жабҳаларига жорий этишга доир долзарб масалаларни муҳокама қилди. Соҳага оид стратегиялар ва уни ривожлантириш масалалари, технологиялар, инфратузилма, илова ҳамда ечимлар кўриб чиқилди.

Мазкур саммит мутахассислар, давлат органлари, халқаро ташкилотлар ва хусусий секторга АКТ бозорининг ҳолатини таҳлил қилиш, соҳадаги сўнгги ютуқлар билан танишиш, янги ишончли ҳамкорлар топиш, мамлакатимизда ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш учун қўшимча инвестиция ресурсларини жалб қилиш имконини берадиган ўзига хос платформага айланди.

**Шунингдек, 24 сентябрь куни "Туркистон" саройида "InfoCom – 2013" – Ахборот-коммуникация технологиялари ҳафталиги доирасида ёшлар ўртасида «MIT.uz» миллий интернет-танлови ғолибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.**

Танловда 14 ёшдан 30 ёшгача бўлган минг нафардан ортиқ йигит-қиз қатнашди. UZ домени веб-ресурсларидан ташқари хорижий доменларда жойлаштирилган сайтлар ҳам намойиш этилди.

Танловга ижодий ишлар билан бир қаторда 225 интернет-сайт, 700 ариза – фотосуратлар, видеороликлар ва фотоколлекциялар ҳам тақдим этилди. Шуниси эътиборлики, танлов қатнашчиларининг 70 фоизи талабалардир. Тақдим этилган сайтларнинг 60 фоиздан ортиғи шу йил ишга туширилган.

Танловга келиб тушган жами 1002 ижодий ишнинг энг яхшилари тўққизта асосий ва бешта қўшимча номинация бўйича танлаб олинди. Хусусан, "Ўзбекистоннинг бой маданияти, санъати, тарихи ва мустақиллик ғоясини акс эттирадиган энг яхши сайт", "Маҳалла, қишлоқ ва шаҳарнинг энг яхши фотосурати", "Ўзбек мумтоз шеърияти ва адабиётини тарғиб қилувчи ва ёшлар иштирокида тайёрланган энг яхши ролик", "Ўзбекистоннинг сайёҳлик салоҳиятини акс эттирувчи энг яхши сайт", "Энг яхши янгиликлар сайти", "Фойдаланувчилар фикри бўйича энг яхши сайт" ва бошқа номинациялар бўйича учтадан совриндор аниқланди.

Тадбир доирасида танлов иштирокчилари ва ғолибларининг етмишдан ортиқ фотосуратлари, шунингдек, ёш дастурчиларнинг энг яхши веб-ишланмалари ва дастурий таъминоти кўргазмаси ҳам бўлиб ўтди.

**Куни кеча эса ҳафталик дастуридан ўрин олган яна бир тадбир — "ICTEXPO—2013" — Ахборот технологиялари кўргазмаси иш бошлади. Шунингдек, кўргазма иши доирасида Ўзбекистонда интернет-провайдинг ва миллий контентнинг ривожига бағишланган давра суҳбати ҳам ўтказилди.**

Кўргазма Тошкент ва Жиззах шаҳарларида бир вақтда, параллел равишда ўтказилиб, уч кун давом этади. Жорий йил унинг жами иштирокчилари, ташриф буюрувчилари сони 35 минг нафар кишига етиши кутилмоқда. Кўргазмалар бўлиб ўтаётган икки шаҳар ўртасида ташкил этилган видеокўприк ташриф буюрувчиларга бир йўла икки кўргазмада намойиш этилаётган технологиялар билан танишиш имконини бермоқда.

Кўргазмада маҳаллий ишлаб чиқарувчилар, шунингдек, компьютер техникасини йиғувчи корхоналар, дастурий таъминот ишлаб чиқарувчилар, IT-компаниялар диллерлари, провайдерлар, телекоммуникация ускуналарини етказиб берувчи компаниялар, банк ва бошқа муассаса вакиллари ўз стендларини намойиш этишмоқда. "Электрон ҳукумат" тизимига доир технологиялар стенди кўргазмадан ўрин олган энг муҳим йўналишлардан биридир. Мазкур йўналиш бўйича иштирок этаётган муассасалар "электрон ҳукумат" тизимини жорий қилишда қўлланилаётган истиқболли лойиҳаларни намойиш этмоқдалар.

27 сентябрь куни ниҳоясига етадиган кўргазма якунида энг яхши стенд эгалари ташкилотчилар томонидан тақдирланади.

**Азиз НУРУЛЛАЕВ,**
**"Qishloq hayoti" мухбири.**

# ФАОЛЛИК ВА ТАШАББУСКОРЛИК ЭЪТИРОФИ

(Боши 1-саҳифада)

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳамда Ўқувчиларни касб-ҳунарга йўналтириш ва психологик-педагогик ташхис маркази ҳамкорлигида умумтаълим мактабларининг амалиётчи психологлари ўртасида ўтказилган "Йилнинг энг яхши психологи" кўрик-танлови эса айни шу соҳа мутахассисларининг меҳнатига қаратилган эътиборнинг ёрқин кўринишидир.

Анъанавий ўтказиб келинаётган ушбу кўрик-танловнинг бу галгисида Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва барча вилоятлардан ғолибликни қўлга киритган амалиётчи психологлар беллашдилар. Бу йил танловда қатнашчиларга қўйилган талаблар ўтган йилларга қараганда такомиллаштирилди. Иштирокчиларнинг барчаси олий маълумотли ҳамда уч йиллик психологик иш тажрибасига эга амалиётчи психологлар бўлишди.

Кўрик-танлов шартларига кўра, иштирокчиларнинг соҳадаги билимлари дастлаб тест орқали синовдан ўтказилиб, сўнгра муаммоли вазиятга мулоҳаза билан тўғри ечим топишдаги тажриба ва маҳоратлари синаб кўрилди.




– Психологияга оид бир-биридан қизиқ шартлар менга жуда маъқул келди, – дейди танлов ғолиби Қашқадарё вилояти Ғузор туманидаги 4-умумтаълим мактаби амалиётчи психологи Замира Сайдинова. – Ушбу тадбирлар бизни янада ғайрат билан ишлашга, касбимизга бўлган масъулиятимизни оширишга хизмат қилади.

Ҳар бир боладаги иқтидорни ўз вақтида илғаб, уни тўғри йўналтириш ниҳоятда муҳим аҳамиятга эга. Бу жараёнда бадиий ижодиёт марказлари, фан ва ҳунар сирларини ўрганишга ихтисослаштирилган тўгаракларнинг ўрни беқиёс. Жойларда ўқувчиларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказиш, уларни касб-ҳунарга йўналтиришда услубчиларнинг алоҳида ўрни бор. Чунки болага бирор машғулотни ўтишдан олдин у билан дилдан суҳбат қуриш, унинг ички дунёсини ўрганиш керак. Бу услубчидан катта маҳоратни талаб этади.

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳамда "Баркамол авлод" Республика болалар ижодиёт маркази ҳамкорлигида ташкил этилган "Йилнинг энг яхши услубчиси" кўрик-танловида тажрибали услубчиларнинг маҳорати яна бир бор синовдан ўтди.

Танловнинг якуний босқичида Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида фаолият юритаётган марказларнинг 14 нафар услубчиси ўзаро беллашди. Танлов жараёнида услубчиларнинг илмий салоҳияти, ўз фаолияти давомида республика бўйича оммалаштириш мумкин бўлган қўлланмалари, ташаббускорлиги, илмий-услубий мақолалари, иш тажрибаси, соҳага оид ҳуқуқий ҳужжатлардан фойдаланиши, маданий-маърифий ҳамда ахборот технологиялари борасидаги саводхонлигига эътибор қаратилди.

Танлов якунларига кўра, Бухоро шаҳридаги "Баркамол авлод" болалар маркази услубчиси Дилдора Жумаева биринчи ўринга муносиб кўрилди.

Фидойи устозларимизнинг меҳнати касб байрами арафасида яна бир бор эътироф этилди. Бу эса ушбу касб эгаларини янада фаол ва изланувчан бўлишга, ўз касбига кўпроқ меҳр қўйишга ундамоқда. Аслида ушбу тадбирлардан кўзланган мақсад ҳам шундай эди.

**Гулноза ТУРҒУНБОЕВА,**
**"Qishloq hayoti" мухбири.**
*Рашид ГАЛИЕВ олган сурат.*



# Оламни мунаввар этадиган кулгу

**ДАВЛАТИМИЗ РАҲБАРИ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ФАРЗАНДЛАРИМИЗ БИЗДАН КЎРА КУЧЛИ, БИЛИМЛИ, ДОНО ВА АЛБАТТА, БАХТЛИ БЎЛИШЛАРИ ШАРТ, ДЕГАН СЎЗЛАРИ ЗАМИРИДА ЮРТИМИЗДА ЁШ АВЛОДНИ СОҒЛОМ ВА БАРКАМОЛ ИНСОНЛАР ЭТИБ ТАРБИЯЛАШ БОРАСИДАГИ ДАВЛАТ СИЁСАТИНИНГ МАЗМУН-МОҲИЯТИ ЎЗ ИФОДАСИНИ ТОПГАН.**

Соғлом зурриёдни дунёга келтириш, оилани, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, ёшларимиз, айниқса, қизларнинг жисмоний ва маънавий жиҳатдан баркамол бўлиши, замонавий билим ва касб-ҳунар сирларини пухта эгаллаши, ўз иқтидор ва қобилиятини рўёбга чиқариши учун кенг имкониятлар яратиш борасидаги саъй-ҳаракатлар шулар жумласидандир. Бугунги жисмонан соғлом ва маънан баркамол қизлар эртанги куннинг бўлажак оналаридир. Онани эъзозлаш халқимиз учун азалий қадриятдир.

Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш тизимини тубдан ислоҳ қилиш доирасида яратилган оналик ва болаликни муҳофаза қилиш миллий модели жаҳон ҳамжамияти томонидан эътироф этилмоқда. Умуммиллий ҳаракатга айланган «Соғлом она – соғлом бола» дастури ҳаётга изчил татбиқ этилмоқда. Бугунги кунда энг чекка туман ва қишлоқлардаги хотин-қизлар ва болаларга ҳам шаҳардагидан кам бўлмаган малакали тиббий ёрдам кўрсатилаётир. Қишлоқ врачлик пунктлари, шошилинч тиббий ёрдам кўрсатишнинг янги тизими, Республика ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт марказлари, вилоятлар кўп тармоқли шифохоналари, перинатал ва скрининг марказлар тармоғи ташкил этилди. Уларнинг фаолияти Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти стандартларига жавоб берадиган ташхис қўйиш, профилактика ва даволаш бўйича илғор технологияларга асосланган. Туғиш ёшидаги аёлларни мунтазам оммавий профилактика кўригидан ўтказиш йўлга қўйилган. Аҳолининг тиббий маданиятини юксалтириш, соғлом турмуш тарзи кўникмаларини шакллантириш ва репродуктив саломатликни яхшилашга доир кенг кўламли маърифий ишлар амалга оширилмоқда.

Президентимиз раҳнамолигида соғлиқни сақлаш тизимидаги ислоҳотлар мамлакатимиз аҳолисининг, жумладан, ёшларнинг саломатлигини мустаҳкамлаш ва уларни ижтимоий ҳимоялашга қаратилган. Бунда оналик ва болаликни муҳофаза қилиш тизими самарадорлиги кучайтирилгани, соғлом авлод туғилиши ва тарбиясига йўналтирилган қатор кенг кўламли дастурлар амалга оширилаётгани диққатга сазовордир. Ўтган даврда оналар ва болалар ўлими 1991 йилдагига нисбатан уч баробар камайгани бу борада амалга оширилган ишларнинг яққол самараларидандир.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 5 июлда қабул қилинган «Оилада тиббий маданиятни ошириш, аёлларнинг соғлиғини мустаҳкамлаш, соғлом авлод туғилиши ва уни тарбиялашнинг устувор йўналишларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори билан туғруқ муассасаларининг фаолият стратегияси белгилаб берилди. Оналик ва болаликни муҳофаза қилиш хизматида ишлаётган мутахассисларни узлуксиз ўқитиш тизимини такомиллаштириш, халқаро ҳамкорликни ривожлантириш, туғруқ муассасалари моддий-техник базасини, жумладан, инвестициялар ва грантларни жалб этиш ҳисобидан мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратилди.

Оналик ва болаликни муҳофаза қилиш тизимида тиббий-генетик ташхис қўйиш хизмати муҳим ўрин тутади. Ўзбекистонда энг илғор ускуналар билан жиҳозланган скрининг марказлари тармоғи ривожланиши билан тиббиёт генетикаси соғлиқни сақлаш тизими мутахассислиги рўйхатига киритилди. Бугунги кунда соғлиғи заиф болалар туғилишининг олдини олишга ёрдам бераётган бундай мутахассислар хизматидан аҳоли кенг фойдаланмоқда. Туғма нуқсони бор болалар туғилишининг 14 фоизга камайиши ҳам ана шундай ишлар самарасидир.

Президентимиз Ислом Каримов таъкидлаганидек, оила – ҳаёт абадийлиги, авлодлар давомийлигини таъминлайдиган, халқимизнинг муқаддас урф-одатлари сайқал топадиган, келажак авлод камолотига бевосита таъсир кўрсатадиган тарбия ўчоғидир. Конституциямизнинг 63-моддасида «Оила жамиятнинг асосий бўғинидир ҳамда жамият ва давлат муҳофазасида бўлиш ҳуқуқига эга. Никоҳ томонларнинг ихтиёрий розилиги ва тенг ҳуқуқлилигига асосланади», деб белгилаб қўйилган. Мазкур тамойил асосида мамлакатимизда оилани ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, унга моддий ва маънавий кўмак бериш чоралари кўрилмоқда.

Мутахассисларнинг фикрича, йигит-қизларнинг турмуш қуриш ёши оила мустаҳкамлигига таъсир кўрсатувчи асосий омиллардан биридир. Афсуски, айрим ота-оналар кўпинча фарзандининг келажак тақдири, бахт-саодати ҳақида ўйламай, ҳали балоғат ёшига етмаган қизини узатиш ёки қариндошимнинг қизи бегона бўлмасин, деб ўғил уйлантириш тараддудига тушади. Қизи ёки ўғлининг бўйи етганини билади-ю, ёши, оила қуришга лаёқати етиш-етмаслигини ўйлаб ҳам ўтирмайди. Оқибатда қизларни ўн олти, баъзан ундан кичик ёшда турмушга узатиб юбориш ҳоллари учраб турибди. Аммо бу кўп ҳолларда бўлғуси онанинг саломатлиги ва руҳиятига, қолаверса, ёш оиланинг мустаҳкамлиги, туғилажак фарзанднинг соғломлигига салбий таъсир кўрсатади.

– Қизларнинг 16-18 ёшда она бўлиши бир қатор муаммоларни келтириб чиқаради, – дейди Тошкент тиббиёт академияси проректори, тиббиёт фанлари доктори, профессор Дилбар Нажмиддинова. – Буларда ҳомиладорлик ва туғруқлар жисмонан оғир кечишидан ташқари, болани парваришлаш, унга руҳан мослаша олмаслик кузатилади. Қизларнинг 15-17 ёшда, яъни оналикка тайёр бўлмасдан ҳомиладор бўлиши яхши натижага олиб келмайди. Бундай ҳомиладорлик кўпинча аборт, бола тушиши, ўлик туғилиши, ҳомиланинг нуқсонли ривожланиши билан кечиши сабаб она ва бола учун ниҳоятда хавфли ҳисобланади. Ўсмир қизларнинг ҳомиладорлик даврида учрайдиган турли асоратлар, масалан, гипертензив ўзгаришлар, ҳомиланинг тушиш хавфи, муддатидан олдин туғруқ, энг хавфлиси – туғруқ ва туғруқдан кейин қон кетиши мудҳиш оқибатларга олиб келганининг гувоҳи бўлганмиз. Тиббиётда шу нарса тасдиқланганки, 18 ёшга етмай ҳомиладор бўлган қизлардан туғилган чақалоқлар орасидаги ўлим ҳолатлари ва уларнинг ҳомиладорлик даврида ҳомиланинг нобуд бўлиши 25-30 ёшдаги аёлларга қараганда анча кўп учрайди. Бундан ташқари, 18 ёшга етмай ҳомиладор бўлган қизлардан туғилган чақалоқларнинг аксарияти вазни енгил бўлиб, бу ўз навбатида, чақалоқнинг турли оғир касалликларга чалинишига сабаб бўлади.

Скрининг текширувлари натижалари шуни кўрсатмоқдаки, болалардаги турли аномалиялар, айниқса, асаб тизими ва генетик нуқсонлар айнан қариндошлар ўртасидаги никоҳ туфайли юзага келаётир. Бунинг олдини олиш учун аввало ота-оналар етарли тиббий билим ва тушунчага эга бўлиши лозим. Аммо айримлар эрта турмуш, қариндошлар ўртасидаги никоҳнинг салбий оқибатини кўра-била туриб, шошма-шошарлик билан қарор қабул қилади. Оқибатда носоғлом фарзандлар дунёга келади, оилалар ўртасида совуқчилик пайдо бўлади, ёш келин-куёв руҳий тушкунликка тушиб қолади. Кимнингдир ўйламай қилган хатоси туфайли ёш оилалар бузилиб кетади, келин-куёвнинг ҳаёти издан чиқади.

– Қариндошлар орасида қайд этиладиган никоҳлар ўзининг салбий оқибатларини кўрсатиб келяпти, – дейди биология фанлари доктори, профессор Фароғат Олимхўжаева. – Бугунги кунда ҳам қариндошлар ўртасида қиз олиш, қиз бериш ҳолатлари учраётгани ачинарли ҳол. Яқин қариндошлар ўртасидаги никоҳдан туғма нуқсонли болалар туғилиши ўзаро қариндош бўлмаган ота-оналардан туғилган болаларга нисбатан икки баробар кўплиги аниқланган. Эр-хотин соғлом бўлиши мумкин, аммо уларнинг наслида ирсий касалликлар қўзғалиш хавфи юқори. Чунки гўдакка геннинг ярми онадан, ярми отадан ўтади. Баъзи ирсий касалликлар генлардаги яширин (рецессив) зарарланиш ўчоқлари оқибатида юзага келади. Шундай ўчоқлар мавжуд генга эга қариндошларнинг ўзаро никоҳи натижасида ушбу касаллик белгиларининг юзага чиқиши кўпроқ бўлади ва оқибатда ногирон, майиб-мажруҳ бола дунёга келади. Генлардаги ўзгаришларнинг барчасини ҳам ўз вақтида аниқлаш ва даволашнинг имкони йўқ. Шу сабабли фарзандларнинг соғлом дунёга келиши ва баркамол вояга етиши учун қариндошлар ўртасидаги никоҳнинг олдини олиш лозим. Онадаги камқонлик оқибатида организмда темир моддасининг етишмаслиги туфайли соч тўкилиши ва суякларнинг мўртлашуви, ҳомиладорликнинг оғир кечиши, кўп қон йўқотиш, ҳомила тушиши, гўдакнинг ўлик, ногирон ёки нимжон туғилиши яқин қариндошлар орасидаги никоҳнинг аянчли оқибатларидир. Бундай ҳолларда она ҳам, гўдак ҳам жабр кўради, умрбод ногирон бўлиб қолиш хавфи ҳам мавжуд.

Афсуски, ҳали-ҳамон фақат яқин қариндошларгагина қиз бериб-қиз оладиганлар йўқ эмас. Улар йиллар давомида бу жиҳатни ўзларига анъана сифатида қадрлаб келишади. Аммо бу ишлари неча-неча оилаларнинг барбод бўлишига, қариндошларнинг юзкўрмас бўлиб кетишига олиб келаётганини тан олишни истамайди. Бир жиҳатни унутмаслик лозим: ген билан боғлиқ айрим касалликларнинг яширин даври икки-уч авлод ўтиб ҳам юзага чиқиши тиббиётда ўз исботини топган. Оқибатда қайсидир аждоди томонидан қайд этилган қариндошлар ўртасидаги никоҳ йиллар ўтиб соғлом ота-онадан ногирон фарзанд туғилиши билан якунланади. Энг ачинарлиси, бундай фарзандлар кўпинча ўз ота-онаси бағрида эмас, Меҳрибонлик уйларидан қўним топади.

– Аёл қанча ёш бўлса, ҳомиладорлик давридаёқ турли патологик, экстрагенитал хасталиклар кучаяди, йўлдош етишмовчилиги, суяклар тизимида рўй берадиган ўзгаришларнинг салбий оқибатлари кўп бўлади, – дейди Республика ихтисослаштирилган акушерлик ва гинекология илмий-амалий тиббиёт маркази бош шифокори ўринбосари Зулфия Неъматова. – Эрта ҳомиладорлик кўпинча бола тушиши ёки ўлик туғилиши билан тугайди, бу ҳолат ҳомиланинг нуқсонли ривожланиши сабабли она ва бола саломатлигига катта хавф солади. Бундай асоратлар кейинги ҳомиладорликнинг нормал кечиши ва туғруқнинг табиий равишда амалга ошишига ҳам салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Шу боис, ёш турмуш қурган аёлларнинг фарзандлари жарроҳлик амалиёти орқали дунёга келтирилади. Сурункали кислород етишмаслиги туфайли она қорнида суст ривожланган чақалоқнинг вазни анча енгил бўлади ва афсуски, уларнинг аксарияти узоқ яшамайди.

Фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш бўлимлари қошида ташкил этилган “Оила дорилфунуни” машғулотлари соғлом оилани шакллантириш жараёнида муҳим аҳамият касб этмоқда. Ушбу машғулотларда шифокорлар, ҳуқуқшунослар, хотин-қизлар қўмиталари фаоллари, “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати, Республика саломатлик ва тиббий статистика институти вакиллари ёшларга никоҳгача тиббий кўрикдан ўтишнинг аҳамияти, қариндошлар ўртасидаги ва эрта никоҳнинг салбий оқибатлари, соғлом турмуш тарзи бўйича зарур маълумотлар бермоқда.

**(Давоми 5-саҳифада)**

Қашқадарё вилояти

# Олим яратган олам




*Ғўзанинг эртапишар, серҳосил навларини яратишдек ўта масъулиятли ва шарафли ишда фидойилик кўрсатиб келаётган Имом Раҳматовни ҳамма шундай билади, шундай танийди: фидойи, заҳматкаш, ҳам гап, ҳам иш биладиган одам.*

Имом ака қишлоқда ўсиб-улғайди. У ўша пайтлардаги пахтачилик соҳасидаги қийинчиликларни кўриб ўйларди: “Наҳотки пахтани 1,5-2 ой ичида йиғиштириб олишнинг имкони бўлмаса?!”, “Ҳосилнинг эрта тайёр бўлиши учун нима қилиш керак?”. Бу ўй, бу орзу кейинчалик унинг ҳаётий мақсадига айланди. Қарши туманининг Жалажин *(ҳозирги Нишон туманидаги)* қишлоғидаги 7-ўрта мактабни тамомлаб, бир йил хўжаликда меҳнат қилди. Шунда у Чўли ота Бегимқулов, Сувон Баратов каби тажрибали деҳқонлардан иш ўрганди. Тошкент қишлоқ хўжалик институти *(ҳозирги Тошкент давлат аграр университети)*да олган билимларини дастлаб Қарши туманидаги собиқ “Янгибоғ” хўжалигида мустаҳкамлади. Яъни у ерда ҳосилот, бош ҳосилот бўлиб ишлади. Ишлаганда ҳам ташаббускорлик ва ташкилотчилик, ғайрат-шижоат билан ишлади.

“Янгибоғ” хўжалигида бош ҳосилот вазифасида ишлаб юрган кезларида Имом ака уруғчилик билан ҳам шуғуллана бошлади. Айнан шу кезларда у бу борада катта тажриба тўплади. Ўқиб-ўрганганларини амалиётда қўллаб, ўз билимини, тажрибасини оширди. Ўзбекистон пахтачилик илмий-тадқиқот институтининг аспирантура бўлимига қабул қилиниши ва ўша йили Касби туманида институтнинг Қашқадарё филиали ташкил этилиши ёш тадқиқотчининг орзу-мақсадларига қанот бағишлади. У дала тажрибалари ўтказиб, “Ингичка толали ғўза баргларини сунъий тўктириш ва ҳосилини машинада териш” мавзусида номзодлик диссертациясини ҳимоя қилди. Вилоят шароитида экилаётган ғўза навларининг суғориш, озиқлантириш режимини ўрганди. Шу асосда у вилоят тупроқ-иқлим шароитига мос, эртапишар, серҳосил ингичка толали ғўза навини яратиш устида излана бошлади.

Тўққиз йил далада ўтказилган бедор тунлару ҳаловатсиз кунлар ўз мевасини берди: “Қашқадарё-1” нави яратилди. Синовдан муваффақиятли ўтгандан сўнг ушбу нав уруғини кўпайтиришга рухсат берилди. Бунинг учун Касби туманидаги собиқ Навоий номли хўжалик танланди. Уч йил давомида хўжаликнинг Муродулла Турсунов, Шерқул Ҳайитов, Муҳтарама Очилова сингари тажрибали деҳқонлари бошчилигида ушбу нав экилган ғўза майдонининг ҳар гектаридан 40-45 центнергача ҳосил олинди.

Орадан икки йил ўтиб, яъни 1999 йили ўша пайтдаги “Миришкор” хўжалигининг 500 гектар майдонида “Қашқадарё-1” нави экилди. 2000 йилда эса ушбу нав Миришкор туманидаги 5 та хўжаликнинг 2000 гектар майдонида экилиб, ундан 450 тонна сара уруғ олинди.

— Табриклайман! — деганди ўшанда қаҳрамонимизнинг устози — машҳур селекционер олим Евгений Гаврилов. — Қисқа фурсатда бундай муваффақиятга эришиш камдан-кам селекционерга насиб этади.

Бу эътироф Имом Раҳматовга янада куч бағишлади. Уни янги-янги марралар сари ундади. Кейинчалик ўзи ҳам қатор шогирдлар тайёрлади. Вазирликнинг “Истиқболли нав деб топилсин” деган буйруғини олганда эса устозу шогирдлар бирдай қувонди.

— “Қашқадарё-1” — вилоятимиз ғурури, — дейди Имом аканинг шогирдларидан бири — Ўзбекистон пахтачилик илмий-тадқиқот институти вилоят филиали директори Шукур Джумаев. — Давлат комиссияси ҳам ушбу навни юқори баҳолади. Касалликка, сувсизликка чидамли, эртапишар, серҳосил нав. Сурхондарё вилояти деҳқонларида ҳам ушбу нав катта қизиқиш уйғотмоқда. Энг муҳими, “Қашқадарё-1” нави вилоятимиз тупроқ-иқлим шароитида яратилган. Келгусида ушбу нав пахтачилик ривожида алоҳида ўрин эгаллаши турган гап.

Қаҳрамонимиз нав яратишдек катта билим, бой тажриба, тинимсиз меҳнату изланишлар талаб этиладиган нозик ишлардан ортиб, вилоятдаги қишлоқ хўжалиги ишларида ҳам самарали меҳнат қилиб келмоқда. Ўз тавсия ва маслаҳатлари билан деҳқонларнинг яқин кўмакдошига айланган. Шу мақсадда кўплаб илмий тавсиялар, қўлланмалар яратди.

Имом Раҳматов айни пайтда ўрта толали “ЎзПИТИ-2601” нави устида изланишлар олиб боряпти. Ушбу навни яратиш учун чатиштириш ишлари 1998 йилда бошланган. Айни пайтда “ЎзПИТИ-2601” навли ғўза парваришланган Касби туманидаги “Жабборов Алланазар Жабборович”, “Примов Раҳмат Аҳмедович”, “Чориев Шерқул Чориевич” ва Қарши туманидаги “Нуқробод”, “Обод”, “Дилшод”, “Норов Рамз” фермер хўжаликлари далаларида мўл ва сифатли ҳосил тўпланишга эришилди. Эътиборли жиҳати, ўртапишар мазкур навнинг ўсув даври 115-122 кунни ташкил этади. Ўзбекистон пахтачилик илмий-тадқиқот институти Қашқадарё филиалининг тажриба хўжалигидаги синов майдонларида бу навдан 38-42 центнергача ҳосил олинган. Ҳосил машинада йиғиштириб олишга мос. Толаси оқ рангли. Тола чиқиши 39-40 фоиз.

1991-2000 йилларда Ўзбекистон пахтачилик илмий-тадқиқот институтининг Қашқадарё филиали директори лавозимида меҳнат қилган Имом Раҳматов айни пайтда Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги илмий ишлаб чиқариш маркази вилоят бўлимига раҳбарлик қиляпти.

— Мустақиллик йилларида меҳнатимиз қадр топди, — дейди қишлоқ хўжалиги фанлари доктори Имом Раҳматов. — Президентимиз раҳнамолигида қишлоқ хўжалигида олиб борилаётган кенг кўламли ислоҳотлар жараёнида селекция ишларини ривожлантиришга ҳам алоҳида эътибор қаратиляпти. Бунинг учун барча шарт-шароит ва имкониятлар яратилган.

Жонкуяр, талабчан ва ўз ишининг устаси бўлган Имом Раҳматов ўз касби, ҳалол ва фидойи меҳнати ортидан элда обрў топди, ҳурмат қозонди. Энг муҳими, у ҳамон изланишдан, меҳнат қилишдан толиққан эмас. Иштиёқу шижоати билан шогирдларига ўрнак бўлиб келмоқда.

**Ҳусан ТЕМИРОВ,**
**“Qishloq hayoti” мухбири.**

# Оламни мунаввар этадиган кулгу



**(Боши 4-саҳифада)**

Оила кодексида қизларнинг 17 ёшдан никоҳдан ўтиш ҳуқуқи белгилаб қўйилган.

– Ўзбекистон Республикасининг 2013 йил 30 апрелдаги «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонунига мувофиқ, Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси янги модда билан тўлдирилди, – дейди Адлия вазирлиги нотариат адвокатура ва фуқаролик ҳолатлари далолатномаларини ёзиш органлари бошқармаси бош маслаҳатчиси Заҳро Каримова. – Унга кўра, никоҳ ёшига етмаган шахс билан никоҳ муносабатларига киришиш, ота-она ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар томонидан никоҳ ёшига етмаган шахсни эрга бериш ёхуд уйлантириш, шунингдек, никоҳ ёшига етмаган шахс билан никоҳ тузишга доир диний маросимни амалга ошириш маълум жазоларга сабаб бўлади. Шундай қилмишлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин яна содир этилса, белгиланган тартибда жиноий жавобгарликка тортилади. Яъни, турли ҳолатларда энг кам иш ҳақининг йигирма баробаридан юз баробаригача жарима ёки бир йилдан уч йилгача ахлоқ тузатиш ёхуд уч ойдан олти ойгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади. Қонунчиликка мазкур моддани киритишдан кўзланган мақсад Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 14-моддасида белгиланган талабларга қатъий риоя қилишдир. Ушбу моддада никоҳ тузиш ихтиёрий экани, никоҳ тузиш учун бўлажак эр-хотин ўз розилигини эркин ифода этиш қобилиятига эга бўлиши ва никоҳ тузишга мажбур қилиш тақиқланиши белгиланган. Айрим ота-оналарнинг фарзандлари никоҳ ёшига етмасдан тўй маросимларини ўтказиши жамият учун инсон саломатлиги, ахлоқи, ижтимоий ҳуқуқларнинг чекланиши билан боғлиқ салбий ҳолатларни келтириб чиқармоқда. Ҳали жисмонан тўлиқ шаклланмаган йигит ва қиз (бундай никоҳлар кўпинча тиббий кўрикдан ўтмай амалга оширилади) эрта ота ва она бўлиб, яъни мустақил оёққа турмай, ҳаётда учрайдиган тўсиқларни енга олмайди. Бу қонуний никоҳ қурмай ажралиб кетишга олиб келади. Бундай никоҳлардан туғилган фарзандларни қайд этишда ҳам муаммоларга дуч келинади.

Бу каби муаммоларга йўл қўймаслик мақсадида Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва бошқа тегишли ташкилотлар билан ҳамкорликда жойларда “Соғлом оила”, “Соғлом турмуш”, “Репродуктив саломатлик”, “Бола парвариши” каби мавзуларда давра суҳбатлари ва учрашувлар ўтказилмоқда. Мактаб ўқувчилари учун “Соғлом авлод асослари”, “Саломатлик дарслари” каби фан машғулотлари ташкил этилаётир. Коллежларда “Репродуктив саломатлик ва соғлом оилани шакллантириш”, “Оила ва никоҳ”, “Соғлом турмуш тарзи ва оила” дарслари йўлга қўйилган. Булар ўз самараларини бераётир.

Ота-оналар фарзандларининг турмуш қуришга бўйи эмас, ёши етганини инобатга олса, қонунларимизда белгилаб қўйилган нормаларга амал қилса, ажрашишлар, бефарзандлик, жисмоний ва ақлий ривожланишида нуқсонли фарзандлар туғилишининг олди олинади. Ҳар бир инсоннинг ҳаётдаги энг катта мақсади бахтли оила қуриш, соғлом фарзандлар тарбиялаш ва уларнинг камолини кўришдир. Зотан, соғлом боланинг қувноқ кулгиси оламни мунаввар қилади. Унинг завқини ҳеч нарса билан ўлчаб бўлмайди. Мамлакатимизда бу борада амалга оширилаётган изчил ишлар ушбу эзгу мақсадларга хизмат қилмоқда.

**Абу Бакир ЎРОЗОВ,**
**ЎзА шарҳловчиси.**

Бухоро Вилояти

▼ ИНТИЛИШ

# «ЗИРАБОД»НИНГ НАСЛЛИ МОЛЛАРИ

**Когон туманида жойлашган “Зирабод” ширкати асосан бўрдоқичиликка ихтисослашган. Бу ерда қоракўлчилик ширкат хўжаликлари ва чорвачилик йўналишидаги бошқа субъектлардан харид қилинган йирик ва майда шохли чорва моллари бўрдоқига боқилади.**



Ширкатда жорий йилдан эътиборан яна бир сердаромад тармоқ – наслли қорамолларни кўпайтиришга асос солинди. Шу мақсадда Чехия давлатидан 40 бош сариқ ола зотли сут ва гўшт йўналишидаги қорамоллар келтирилди.

– Янги тармоқни йўлга қўйиш бўйича тайёргарлик ишларини ўтган йили бошлаб қўйган эдик, – дейди ширкат директори Фахриддин Қудратов. – Ўз маблағимиз ҳисобидан зооветеринария талабларига тўла мос келадиган замонавий чорвачилик мажмуасини қуриб битказдик. Бу ерда нафақат қорамолларни боқиш, балки уларни даволаш, сигирларни махсус мосламалар ёрдамида соғиш, сунъий қочириш, кучайтирилган озуқа тайёрлаш каби цехлар ҳам мавжуд. Қорамолларни сотиб олишда эса Миллий банкнинг туман филиали томонидан ажратилган 250 миллион сўм кредит маблағи қўл келди. Ҳозирда сигирлардан соғлом бузоқлар олинди. Қорамолларни рацион асосида парваришлаш учун эса ширкатимизда барча имкониятлар мавжуд. Мақсадимиз – бу ерда маҳсулдор қорамолларнинг яхлит отарини яратиш, кейинчалик эса уларни турдош корхоналарга сотишдан иборат.

Етиштирилаётган маҳсулот шартнома асосида сутни қайта ишлаш корхоналарига топширилаётган бўлса, келгусида уни ширкатнинг ўзида қайта ишлаш йўлга қўйилади.

Янги тармоқ йўлга қўйилиши билан 4 та иш ўрни яратилди.

**Ҳамроз АЛИ,**
**“Qishloq hayoti” мухбири.**

Қорақалпоғистон Республикаси

▼ ҚОРАКЎЛЧИЛИК

# ЧОРВА ҚИШЛОВИГА ПУХТА ҲОЗИРЛИК

**Қўнғирот туманидаги «Устюрт» ширкат хўжалигида бугунги кунда 20 637 бош чорва моли боқилмоқда. Жорий йилда чорвадорлар томонидан 8 584 бош қўзи, 45 бош қулун, 22 бош бўта олинди. Ширкат хўжалиги бўйича 2 484 дона қоракўл тери, 33,3 тонна гўшт, 18,1 тонна жун тайёрланди. Бугунги кунгача 24681 АҚШ доллари миқдоридаги маҳсулот экспорт қилинди.**

Тажрибали чўпонлардан Тоқтарбой Абдукаримов, Умир Қодиқбоев, Қорасай Асабоевлар бу борада барчага ўрнак бўлди.

— Қўзилатиш мавсумини муваффақиятли ўтказган чўпонларимиз чорва қишловига ҳам пухта тайёргарлик кўрмоқда, — дейди «Устюрт» ширкат хўжалиги раиси Аҳмед Сулейманов. — Бугунги кунда ширкат хўжалигимизда 5 минг тоннадан зиёд дағал озуқа жамғарилди. Мавсум олдидан мавжуд 51 та қўра ва қўтонлар таъмирланмоқда.

Тўрткўл туманидаги «Қизилқум» қоракўлчилик-наслчилик ширкат хўжалигида асосан «Қорақалпоқ сури» терилари етиштирилади. Ширкат хўжалигида 16 188 бош чорва моли бўлиб, шундан 6 814 бошини она қўйлар ташкил этади. Бу ерда чўпонлар томонидан 5 071 бош қўзи олиниб, шундан 4 057 боши ўстиришга қолдирилди. 1 014 дона қоракўл тери тайёрланди.

— Қоракўлчиликка ихтисослашган 11 та ширкат хўжаликларида қишки мавсумга намунали тайёргарлик олиб борилмоқда, — дейди Қорақалпоғистон Республикаси «Қоракўл» бирлашмаси раиси Қияс Пирназаров. — Қишки мавсум олдидан ширкат хўжаликларида 36 045 тонна ем-хашак, шу жумладан, 69 тонна беда, 452 тонна сомон жамғарилди. Мавжуд 261 та қўра ва қўтонлар таъмирланди. Бундан ташқари, 293 дона скважинадан 200 таси, 210 та қудуқдан 156 таси тайёр қилиб қўйилди. 9 та сунъий уруғлантириш пунктлари таъмирланди.

**Давуд АБИБУЛЛАЕВ,**
**“Qishloq hayoti” мухбири.**

## «101» ОГОҲЛАНТИРАДИ



# Юрт бойлигини асрайлик

**Мамлакатимизда етиштирилаётган пахта ҳосилини нест-нобуд қилмай, ўз вақтида йиғиштириб олиш муҳим аҳамиятга эга.**

Пахта хомашёсини ёнғиндан асраш, йиғим-терим мавсуми давомида кўнгилсиз ҳолатларга йўл қўймаслик ҳамда пахтани сақлаш ва қайта ишлаш корхоналарида рўй бериши мумкин бўлган ёнғинларнинг олдини олиш учун Давлат ёнғин назорати идоралари пахта саноати корхоналари билан ҳамкорликда кенг қамровли тадбирлар ўтказмоқда.

Хусусан, пахта терими мавсуми олдидан ёнғинларга олиб келувчи ҳолатларни бартараф этиш мақсадида Давлат ёнғин назорати идоралари ходимлари томонидан пахта тозалаш корхоналари ва пахта қабул қилиш пунктлари тўлиқ текшириб чиқилди.

Пахта тозалаш корхоналари ва пахта қабул қилиш пунктларида мавжуд муаммоларнинг барчасини ўз вақтида аниқлаш ҳамда бартараф этиш учун зарур чора-тадбирлар белгилаш, малакали мутахассислар тайинлаш, жойларда ишчилар билан ёнғин хавфсизлигини таъминлаш долзарб вазифадир. Пахта ҳосилини ёнғин офатларидан асрашда қуйидагилар тақиқланади:

– *пахта териладиган ва сақланадиган жойларда чекиш;*
– *оловдан фойдаланиш;*
– *терилган пахтани далада қолдириш;*
– *мавсумга жалб этиладиган техникаларни ёнғинни ўчиришнинг бирламчи воситаларисиз ва учқун ўчиргичсиз ишлатиш;*
– *пахта териш машиналарининг бункерларида пахта маҳсулоти бўлганда ёқилғи қуйиш;*
– *ёқилғи ва мойлаш таъминоти нософ бўлган трактор ва машиналардан ҳамда пахтани қабул қилиш ва қайта ишлаш корхоналарида нософ кичик механизмлардан фойдаланиш.*

Камчиликлар ва мавжуд муаммоларни бартараф этиш ўзимизга боғлиқ. Шундай экан, мавсумда зиммамиздаги масъулиятни янада оширишимиз лозим.

**Анвар ХУДОЙКУЛОВ,**
*Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Ёнғин хавфсизлиги бош бошқармаси катта муҳандиси.*

▼ БИЛИБ ҚЎЙГАН ЯХШИ

# Меваларни сархил сақлаш сирлари

**Олтин куз саховатини намоён этмоқда. Боғларда пишиқчилик фасли. Сархил мевалар болга тўлган. Бу ризқу насибамиз бутунлиги, дастурхонларимиз тўкинлиги белгиси. Қолаверса, уларнинг шифобахш хусусиятларини айтмайсизми? Йилнинг тўрт фаслида уларни ҳам аслидек сақлаш учун нималар қилиш зарур бўлади. Тадбиркор халқимизнинг бу борада ўзига хос тажрибаси бор.**



Асқар ЁҚУБОВ (ЎзА) олган сурат.

Ота-боболаримиз олма, нок, беҳи ва анорни сопол кўзаларда сақлашган. Идишнинг оғзини ёғочдан ясалган тиқин билан ёпиб, қуруқ жойга қўйишган. Шунингдек, ҳали ғўра бўлган, олма ва нок меваларининг устини лой билан суваб, уларни сояда қуритишган. Сўнг меваларни анор ёки ёнғоқ баргига ўраб, арпа дони солинган идишда ёки тахта қипиғи орасида сақланган.

Айни пайтда меваларни сақлашнинг замонавий усуллари ва технологияларидан кенг фойдаланилмоқда. Масалан, данакли меваларни сақлашда уларни ўраш учун қоғоз, жойлаш учун ёғоч қипиғи ва 30 фоизли намликдаги торф кукунидан фойдаланилади. Торф кукуни ўзидан газ чиқариб туриш хусусиятига кўра меваларни сақлашда яхши натижа беради. Боиси, мева атрофидаги ҳавода 10 фоизли газ бўлса, меванинг пишиши секинлашади, энг муҳими, ҳашаротларнинг зарари етмайди. Таъкидлаш жоизки, ҳаводаги газлар меваларда моддалар алмашинувига таъсир этади. Яъни ҳаводаги кислород ва карбонат ангидрид гази миқдори ва нисбати бу жараёнда муҳим аҳамият касб этади. Маълумотларга кўра, мева сақлашда ҳаводаги кислороднинг миқдори 3–5 фоиз, карбонат ангидриднинг миқдори 3–11 фоиз бўлиши керак. Бунинг учун ёпиқ идишлардан фойдаланилади. Шунда идиш ичидаги кислород ва карбонат ангидрид нисбати яхшиланади, мева сақлаш учун қулай ҳолатга келади.

Меваларни сақлаш жараёнида уларни дарахтдан узиш ҳам катта эътибор талаб этилади. Боиси, мева заха емаслиги, эзилмаслиги даркор-да. Шунинг учун мевани бош ва ўрта бармоқ билан ушлаб, кўрсаткич бармоқ билан бандларини синдирмасдан узиб олишга ҳаракат қилиш керак. Акс ҳолда, синиқ бандлар бир-бирига тегиб, меваларга зарар етказиши мумкин. Меваларни қоғозга ўраб, яшикка катта-кичиклигига қараб жипс қилиб жойлаш керак. Устки қавати юмшоқ қоғоз билан ёки ёғоч қипиғи билан ёпилса жуда яхши бўлади. Яна бир жиҳат дарахтнинг қуёш нурларидан кўпроқ баҳраманд бўлган томонида пишиб етилган мевалар яхши ва узоқ муддат сақланади. Намлик миқдори етарли бўлган йилдаги мевалар сақланиши ҳам яхши бўлади. Қуйида сизга турфа хил меваларни сақлаш борасида маълумотларни келтириб ўтамиз.

Эрта териб олинган кузги олма 10–18 кундан кейин, олма, нок, беҳиларнинг қишки нави 1–3 ой ўтгач, пишиб етилади. Музлаткичда олмани 50–90 кун, нокни эса 200 кунгача сақлаш мумкин. Мева сақлашнинг кимёвий усулидан бири олтингугурт препаратини ёқиб газ ҳосил қилишдир. Шунингдек, мевани сульфатли ҳамда кальций хлорид эритмага ботириб ҳам сақлаш мумкин. Ушбу эритмалар мевали дарахтга ҳосил пишмасидан олдин сепилса, унинг яхши ва безарар етилишини ҳамда узоқ муддат сақланишини таъминлайди.

Мева сақланадиган омборхонада, албатта, ҳаво алмаштирувчи восита бўлиши лозим. Идишлар нам бўлмаслиги керак. Хонанинг маълум қисмига тош ва ғиштдан тайёрланган идишларда муз қўйиш ҳам яхши самара беради.

**Наргиза ҲОТАМОВА тайёрлади.**

***Вниманию руководителей организаций и предприятий!***

# ИКСЕЗ ТАШОБЛХОКИМИЯТА ОБЪЯВЛЯЕТ КОНКУРСНЫЕ ТОРГИ ПО ОБЪЕКТУ ЛОТ 1-2:

**Подлот 1-1: «Строительство автодорог в массиве образцовых жилых домов на территории КФЙ «Тузель» махали «А.Темур» Кибрайского района Ташкентской области».**

Стартовая цена заказчика составляет – **114 355 410 сум с НДС.**

Стартовая цена заказчика составляет – **95 296 175 сум без НДС.**

Срок завершения работ – **2 месяцев.**

**Подлот 1-2: «Строительство автодорог в массиве образцовых жилых домов на территории КФЙ «Яллама» махали «Тиллатопган» Чиназского района Ташкентской области».**

Стартовая цена заказчика составляет – **354 602 142 сум с НДС.**

Стартовая цена заказчика составляет – **295 501 785 сум без НДС.**

Срок завершения работ – **2 месяцев.**

*ВНИМАНИЕ! Отбор подрядной организации для выполнения работ по строительству и реконструкции объектов со стоимостью до 500 млн. сум и капитального ремонта финансируемых за счёт средств государственного бюджета и иных централизованных источников, осуществляется исключительно среди субъектов малого бизнеса.*

Финансирование проекта будет осуществляться за счет средств Республиканского дорожного фонда при министерстве финансов.

**Организатор торгов:** Ташкентский областной территориальный консалтинговый центр по конкурсным торгам и ценообразованию в строительстве Государственного комитета по архитектуре и строительству Республики Узбекистан.

**Заказчик:** Инжиниринговая компания службы единого заказчика Ташкентского областного хокимията.

**Адрес заказчика:** г.Ташкент, проспект А.Темура 17.

**Тел:** 236-06-95.

**К претендентам на участие в конкурсных торгах предъявляются следующие квалификационные требования:** наличие оборотных средств, в размере 20% от расчетной стоимости предмета конкурсных торгов или поручительство банка на предоставление указанных средств, производственной базы, трудовых ресурсов и специалистов, необходимых для выполнения работ (услуг), гражданская правоспособность и полномочия на заключение договора, наличие опыта работы на объектах, аналогичных конкурсному объекту, предоставление сведений о ранее выполненных объемах работ собственными силами, намечаемом объеме работ планируемом к выполнению собственными силами на конкурсном объекте.

При участии в конкурсных торгах отечественных и зарубежных организаций, для оценки их конкурсных предложений предусматриваются следующие ценовые преференции для отечественных подрядчиков: при проведении оценки конкурсных предложений участников с импортной поставкой работ (услуг), по которым импортеры в соответствии с законодательством освобождаются от налога на добавленную стоимость, досчитываются на сумму указанного налога.

Для участия на торгах и приобретения конкурсной документации необходимо обратиться с запросом к организатору торгов по адресу: г.Ташкент, ул. Навои дом 18. 308/311 комнаты. Телефон (факс): 241-15-26, 241-15-32.

Стоимость одного комплекта конкурсной документации – 150 000 (сто пятьдесят тысяч) сум.

Последний срок представления оферт организатору торгов приурочен ко дню и часу вскрытия оферт по адресу: г.Ташкент, проспект А.Темура 19.

Вскрытие оферт состоится по истечении 30 дней со дня публикации объявления.

**ВНИМАНИЮ РУКОВОДИТЕЛЕЙ ОРГАНИЗАЦИЙ И ПРЕДПРИЯТИЙ!**

# МИНИСТЕРСТВО ПО ЧРЕЗВЫЧАЙНЫМ СИТУАЦИЯМ РУЗ ОБЪЯВЛЯЕТ КОНКУРСНЫЕ ТОРГИ ПО ОБЪЕКТАМ:

**ПОД ЛОТ 1-1: "Капитальный ремонт ЦА. Локальная вычислительная сеть, телефонизация, пожарная сигнализация, система внутреннего оповещения – громкоговорящая связь".**

Стартовая стоимость заказчика: **140 195 023 сум с НДС.**

Стартовая стоимость заказчика: **116 829 186 сум без НДС.**

Срок капитального ремонта – **45 дней.**

**ПОД ЛОТ 1-2: "Капитальный ремонт административного здания МЧС РУ (Блок – Б, столовая)".**

Стартовая стоимость заказчика: **167 603 302 сум с НДС.**

Стартовая стоимость заказчика: **139 669 418 сум без НДС.**

Срок капитального ремонта – **40 дней.**

**Финансирование будет осуществляться:** за счет Госбюджетных средств.

**Организатор торгов:** Ташкентский областной территориальный консалтинговый центр по конкурсным торгам и ценообразованию в строительстве Государственного комитета по архитектуре и строительству Республики Узбекистан.

**Заказчик:** ЦА МЧС РУз.

**Адрес заказчика:** г.Ташкент, Юнусабадский р-н, ул. Кичик халка йули - 4.

**К претендентам на участие в конкурсных торгах предъявляются следующие квалификационные требования:** оборотных средств, в размере 20% от расчетной стоимости предмета конкурсных торгов или поручительство банка на предоставление указанных средств, производственной базы, трудовых ресурсов и специалистов, необходимых для выполнения работ (услуг), гражданская правоспособность и полномочия на заключение договора, наличие опыта работы на объектах, аналогичных конкурсному объекту, предоставление сведений о ранее выполненных объемах работ собственными силами, намечаемом объеме работ планируемом к выполнению собственными силами на конкурсном объекте.

Иметь лицензию в области строительства на ремонтно-строительные и ремонтно-монтажные работы на оборонных объектах, выданная в установленном порядке;

При участии в конкурсных торгах отечественных и зарубежных организаций, для оценки их конкурсных предложений предусматриваются следующие ценовые преференции: при проведении оценки конкурсных предложений участников с импортной поставкой работ (услуг), по которым импортеры в соответствии с законодательством освобождаются от налога на добавленную стоимость, досчитываются на сумму указанного налога.

Для участия на торгах и приобретения конкурсной документации необходимо обратиться с запросом к организатору торгов по адресу: г.Ташкент, ул. Навои дом 18. 308/311 комнаты. Телефон (факс): 241-15-26, 241-15-32.

Стоимость одного комплекта конкурсной документации – 150 000 (сто пятьдесят тысяч) сум.

Последний срок представления оферт организатору торгов приурочен ко дню и часу вскрытия оферт по адресу: г.Ташкент, Юнусабадский р-н, ул. Кичик халка йули - 4.

Вскрытия оферт состоится по истечении 30 дней после публикации объявления.

Утерянный план квартиры расположенной по адресу: г. Ташкент, Мирабадский р-н, ул. Яккачинар, д. 10, кв. 21 выданный кадастровой службой Мирабадского р-на на имя Рахмановой Зулфизар Рахимджановны, считать недействительным.

Тошкент Молия институти Талабалар бўлимига тегишли думалоқ мухр 23.09.2013 й.да йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

ООО "KASPIAN TRAVEL" (ИНН 302036729) по регистрации субъектов предпринимательства М. Улугбекского р-на г. Ташкента (рег. № 005287, реестр № 006638-04, 23.06.2011 г.) расположенное по адресу: г. Ташкент, ул. Мустакиллик Шох кўч. д. 6, ликвидируется (решение учредителей № 3 от 24.09.2013 г.). Претензии принимаются в течении 2 месяцев со дня опубликования данного объявления.

ВНИМАНИЮ РУКОВОДИТЕЛЕЙ ОРГАНИЗАЦИЙ И ПРЕДПРИЯТИЙ!

# ИНЖИНИРИНГОВАЯ КОМПАНИЯ «СЛУЖБА ЕДИНОГО ЗАКАЗЧИКА» ТАШКЕНТСКОГО ОБЛАСТНОГО ХОКИМИЯТА ОБЪЯВЛЯЕТ КОНКУРСНЫЕ ТОРГИ ПО ОБЪЕКТУ:

**«Строительство двухэтажного административного здания для пенсионного фонда в г.Бекабаде Ташкентской области».**

Стартовая цена заказчика составляет – **787 379 727 сум с НДС.**

Стартовая цена заказчика составляет – **656 149 772 сум без НДС.**

Срок завершения работ – **20 июня 2014 года.**

*ВНИМАНИЕ! При проведении конкурсных торгов при прочих равных условиях предпочтение отдается субъектам малого бизнеса.*

Финансирование проекта будет осуществляться за счет средств Госбюджета.

**Организатор торгов:** Ташкентский областной территориальный консалтинговый центр по конкурсным торгам и ценообразованию в строительстве Государственного комитета по архитектуре и строительству Республики Узбекистан.

**Заказчик:** Инжиниринговая компания «Служба единого заказчика» Ташкентского областного хокимията.

**Адрес заказчика:** г.Ташкент, проспект Амира Темура 19.

**К претендентам на участие в конкурсных торгах предъявляются следующие квалификационные требования:** оборотных средств, в размере 20% от расчетной стоимости предмета конкурсных торгов или поручительство банка на предоставление указанных средств, производственной базы, трудовых ресурсов и специалистов, необходимых для выполнения работ (услуг), гражданская правоспособность и полномочия на заключение договора, наличие опыта работы на объектах, аналогичных конкурсному объекту, предоставление сведений о ранее выполненных объемах работ собственными силами, намечаемом объеме работ планируемом к выполнению собственными силами на конкурсном объекте.

При участии в конкурсных торгах отечественных и зарубежных организаций, для оценки их конкурсных предложений предусматриваются следующие ценовые преференции для отечественных подрядчиков: в проведении оценки конкурсных предложений участников с импортной поставкой работ (услуг), по которым импортеры в соответствии с законодательством освобождаются от налога на добавленную стоимость, досчитываются на сумму указанного налога.

Для участия на торгах и приобретения конкурсной документации необходимо обратиться с запросом к организатору торгов по адресу: г.Ташкент, ул. Навои дом 18. 308/311 комнаты. Телефон (факс): 241-15-26, 241-15-32.

Стоимость одного комплекта конкурсной документации – 150 000 (сто пятьдесят тысяч) сум.

Последний срок представления оферт организатору торгов приурочен ко дню и часу вскрытия оферт по адресу: г.Ташкент, проспект Амира Темура 17.

Вскрытия оферт состоится по истечении 30 дней после публикации объявления.

Общество с органиченной ответственностью "CONTEMP BUILDINGS" (СТИР 302030602) сообщает об уменьшении Уставного фонда общества с 219 978 982 сум до 78 240 470 сум.

Общество с ограниченной ответственностью "YANGI ASR AVLODI" (ИНН 202967926) Чиланзарского р-на сообщает об увеличении уставного фонда с 100 000 сум до 300 000 000 сум. Тел.: 273-00-14.

Дочернее предприятие "YANGI ASR AVLODI" Чиланзарского р-на (ИНН 202967926) сообщает об изменении формы собственности и реорганизации в ООО "YANGI ASR AVLODI" с переходом всех прав и объязательств ДП "YANGI ASR AVLODI" к ООО "YANGI ASR AVLODI". Тел.: 273-00-14.

ДП "Wonyang architecture Group" (ИНН 207099049) зарегистрированное Министерством юстиции Республики Узбекистан (реестр № 1127, 14.09.2010 г.), расположенное по адресу: г. Ташкент, Яккасарайский р-н, ул. Глинка, 4, ликвидируется (решение учредителя от 23.09.2013 г.). Претензии принимаются в течении 2-х месяцев с момента публикации объявления по тел.: 367-89-99.

ООО "Green Engeneering" (ИНН 302182169) зарегистрированное ИРСП Яккасарайского р-на г. Ташкента (реестр № 006444-11 (006444), 20.01.2012 г.), расположенное по адресу: г. Ташкент Яккасарайский р-н, ул. Вохидова, 63, ликвидируется (решение учредителя от 25.09.2013 г.). Претензии принимаются в течении 2-х месяцев с момента публикации по тел.: 367-89-99.

"EXTRA PRINT" МЧЖ устав жамғармаси 10 000 000 сўмдан 5 000 000 сўмга камайтирилишини маълум қилади. Тел.: 600-50-16.

Утерянные кадастровые документы и план квартиры, расположенной по адресу: г. Ташкент, ТТЗ-4, д. 10, кв. 23, выданный БТИ М. Улугбекского р-на на имя Алевитдинова Ахмеда Якубовича, считать недействительными.

Утерянные кадастровые документы и план коттеджа, расположенного по адресу: г. Ташкент, Юнусабадский р-н, ул. Қулоқ-тепа-79, коттедж № 31, выданные БТИ Юнусабадского р-на на имя Миррахимшаева Аббаса, считать недействительными.

ООО "BAYKAL TRADING" (ИНН 301014004), расположенное по адресу: г. Ташкент, Сергелийский р-н, Проектная Г-38, частное здание, извещает своих кредиторов и других заинтересованных лиц об уменшении уставного фонда со 558 242 095 сум до 371 698 185 сум. Претензии принимаются в течении 30 дней со дня публикации объявления. Тел.: (+99871) 258-89-04.

МЧЖ шаклидаги "XALQ SUG'URTA" Суғурта Компанияси шуни маълум қиладики: 0015662, 0015665, 0015670, 0015539 ва 0015554 рақамли суғурта полислари йўқолганлиги сабабли, ноҳақиқий ҳисобланади. Ушбу полислар бўйича Компания хеч қандай мажбурият олиб бормайди.

Утерянный гувохнома (реестр № 06-000445, 03.02.2003 г.) на ООО "BEGOIM-SAVDO" выданный Сергелийским хокимиятом, считать недействительным.

Утерянный аттестат А № 511101 выданный в 1991 г. школой № 236 Учтепинского р-на г. Ташкента на имя Мирахмедовой Севары Хамитовны, считать недействительным.

ООО "EXPORT STAR GROUP" сообщает об уменьшении уставного фонда с 280 000 000 сум до 66 200 000 сум. Справки по тел.: 277-21-38.

Ўзбекистон Фермерлари кенгаши жамоаси Кенгаш ижро этувчи аппарати бошқарувчиси Фозил Қулматовга падари бузруквори

**ТЎЛАГАН ота**нинг

вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

РЕКЛАМА

ҲУРМАТЛИ ТАДБИРКОРЛАР!

ASAKA BANK

# «Асака» банк (ОАЖ)

**«Export Import Bank of Korea» (Корея)** ва **«Commerzbank AG» (Германия)** кредит линиялари иштирокида тадбиркорлик субъектларининг инвестицион лойиҳаларини молиялаштириш бўйича аризалар қабул қилинаётганлигини маълум қилади.

Кредитларни расмийлаштиришнинг асосий шартлари:

| | |
|---|---|
| **Лойиҳалар** | Саноат ёки қишлоқ хўжалиги соҳасида экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқаришга мўлжалланган янги ишлаб чиқаришларни ташкил этиш, амалдаги ишлаб чиқаришларни кенгайтириш ва ёки реконструкция қилиш бўйича лойиҳа |
| **Қарздор** | ***«Export Import Bank of Korea» (Корея) кредит линияси бўйича*** “Навоий” эркин индустриал-иқтисодий зонаси ҳудудида корея капитали иштирокида фаолият юритаётган компаниялар; “Навоий” эркин индустриал-иқтисодий зонаси ҳудудида корея капитали иштирокида фаолият юритаётган компанияларга товарлар етказиб бериш ва хизматлар кўрсатиш билан шуғулланаётган ёки корея капитали иштирокида фаолият юритаётган компаниялардан товарлар олаётган ва хизматларидан фойдаланаётган корея капитали иштирок этмаган компаниялар. ***«Commerzbank AG» (Германия) кредит линияси бўйича*** Ўзбекистон резиденти – хусусий кичик корхона, қўшма корхоналар, акциядорлик жамиятлари. |
| **Кредитлардан мақсадли фойдаланиш** | ***«Export Import Bank of Korea» (Корея) кредит линияси бўйича*** Корея капитали иштирокидаги компаниялар учун: ▸ ускуналар харид қилиш ва ўрнатиш; ▸ стратегик инвестициялар. Корея капитали иштирок этмаган компаниялар учун: ▸ ускуналар сотиш ва хизматлар кўрсатиш; ▸ ускуналар харид қилиш ва хизматлардан фойдаланиш. ***«Commerzbank AG» (Германия) кредит линияси бўйича*** Импорт ускуналари ва технологиялари харидини молиялаштириш, шунингдек, ишчи капиталини шакллантириш харажатларини қоплаш. |

**Маълумот учун телефонлар:** (8-371) 120-39-04, 120-39-56, 120-39-58.

**“АСАКА” БАНК – ТАДБИРКОРЛИК ТАРАҚҚИЁТИНИНГ МУСТАҲКАМ ТАЯНЧИ!**

*Хизматлар лицензияланган.*




**ҚЎЙ (21.03 — 20.04)**

Касбий фаолиятингиз ва оилавий муносабатларни бирдек олиб бориш қийин, албатта. Аммо астойдил ҳаракат қилсангиз, ушбу ҳафтада сиз бунга муваффақ бўласиз.

**БУЗОҚ (21.04 — 20.05)**

Моддий аҳволингизни яхшилаш учун тинимсиз меҳнат қилишга тўғри келади. Иш юзасидан янги ҳамкорлар орттирасиз. Аммо эски қадрдонларни унутиб қўйманг.

**ЭГИЗАКЛАР (21.05 — 21.06)**

Майда-чуйда ташвишларингиз кўп. Аммо моддий аҳволингизни яхшилай десангиз, сармоянгизни кўчмас мулкка, кейинроқ даромад келтирадиган ишларга тикинг.

**ҚИСҚИЧБАҚА (22.06 — 22.07)**

Сизни жуда катта муваффақият ва шунга яраша юксак эҳтиром кутмоқда. Эришган ютуқларингизни байрам қилса арзийди. Аммо кўз тегмасин, деб мақтанишдан қўрқасиз.

**АРСЛОН (23.07 — 23.08)**

Сиз жуда олийжаноб инсонсиз. Аммо эришган ютуқларингиздан ҳаволаниб, шуҳратпарастликка берилиб кетманг. Мисқоллаб йиққан ҳурматингизни йўқотиб қўясиз.

**ПАРИЗОД (24.08 — 23.09)**

Ушбу ҳафтада ҳамкорингизга эмас, ўз кучингиз ва имкониятингизга қараб иш тутишни маслаҳат берамиз. Шунда турли муаммоларнинг олдини олган бўласиз.

**ТАРОЗИ (24.09 — 23.10)**

Режалаштирган ишларингиз жуда секинлик билан амалга ошаётганидан асабийлашиш ношукурликдир. Бу яхшиликка олиб келмайди. Сабрнинг таги сариқ олтин, деб бекорга айтишмайди ахир.

**ЧАЁН (24.10 — 22.11)**

Йўлчи юлдузингиз сизга ҳомийлик қилишига жуда қаттиқ ишонасиз. Ҳамиша ўз идеалларингизга интиласиз, улардай бўлишга ҳаракат қиласиз. Бу сизнинг ҳаётга бўлган муҳаббатингизни оширади ва ишингиздан завқ олиб ишлайсиз.

**ЎҚОТАР (23.11 — 21.12)**

Бир маромдаги ҳаёт тарзидан зериккансиз. Қандайдир ўзгариш бўлишини кутиб яшайсиз. Ўзгаришни, аввало, ўзингиздан бошлашни маслаҳат берамиз.

**ТОҒ ЭЧКИСИ (22.12 — 20.01)**

Сиз ниҳоятда тадбиркор ва ишбилармон, шу билан бирга, ўта ҳиссиётли инсонсиз. Аммо истиқболли лойиҳаларни амалга оширишда ҳис-туйғулар халал беришини ёдингизда тутинг.

**ҚОВҒА (21.01 — 20.02)**

Янги фаолият йўналишига кўникишингиз қанчалик қийин бўлмасин, чеккан машаққатларингиз мевасини татийсиз. Узоқ вақт баракали ишлашингиз учун замин яратасиз.

**БАЛИҚ (21.02 — 20.03)**

Ушбу ҳафта сиз учун омадли келади. Аммо бу мақсадларингизга осонгина эришасиз дегани эмас. Муродингиз ҳосил бўлиши учун меҳнат қилишингиз керак.

РЕКЛАМА

Маҳсулот сертификатланган.



Қуйидаги турдаги **ПОЛИПРОПИЛЕН ШПАГАТЛАРИ** пул кўчириш йўли билан **сотилади:**

1. Сомон, хашак боғловчи (сеновязальный). **«Пресподборщик» машиналари** учун.
2. Хўжалик ишлари учун (упаковочный).

Тел: (+99893) 382-89-14, 582-57-95.

Бош муҳаррир: **Чори ЛАТИПОВ**

**МУАССИСЛАР:** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Агросаноат комплекси таркибидаги ҳамда шу тармоққа дахлдор вазирлик ва идоралар.

**ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:** **Зафар РЎЗИЕВ, Улуғбек УЗОҚОВ, Содиқжон ТУРДИЕВ, Омонулла ЮНУСОВ, Фарҳод ОМОНОВ, Эркин ҚУДРАТОВ, Муса АНОРБОЕВ, Абдиваҳоб ТАМИКАЕВ, Маҳмуд ТОИР, Ҳабиб ТЕМИРОВ** (Бош муҳаррир ўринбосари), **Анвар ҚУЛМУРОДОВ** (Бош муҳаррир ўринбосари), **Ренат НАЗАРОВ, Шерзод ҒУЛОМОВ, Муҳиддин АБДУСАМАТОВ** (Масъул котиб).

**ТЕЛЕФОНЛАР:** **Қабулхона** — 236-26-50, **Котибият** — 233-95-17, **Аграр масалалари бўлими** — 233-76-78, **Ижтимоий-сиёсий ва ҳуқуқий масалалар бўлими** — 236-26-49, **Маънавият ва маърифат бўлими** — 236-26-35, **Хатлар ва жамоатчилик билан алоқалар бўлими** — 233-44-43, **Факс** — 233-44-43, 233-09-93.

**ҲУДУДЛАРДАГИ МУХБИРЛАР:** **Қорақалпоғистон Республикаси** – (+99890) 592-62-04; **Андижон** – (+99893) 630-73-03; **Бухоро** – (+99891) 401-29-59; **Жиззах** – (+99890) 297-44-09; **Навоий** – (+99891) 537-14-36; **Наманган** – (+99890) 278-95-87; **Фарғона** – (+99890) 407-76-03; **Самарқанд** – (+99891) 537-24-95; **Сирдарё** – (+99894) 168-23-60; **Сурхондарё** – (+99890) 519-86-50; **Тошкент** – (+99890) 976-39-58; **Хоразм** – (+99890) 438-71-25; **Қашқадарё** – (+99891) 635-08-03.

**Реклама ва эълонлар:** 236-26-50, 233-28-04.

ISSN 2010-7021

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2009 йил 13 февралда № 0020-рақам билан рўйхатдан ўтказилган.

**Навбатчи муҳаррир:** А.НУРУЛЛАЕВ
**Мусаҳҳиҳ:** О.ОЧИЛОВ
**Дизайнер:** М.БОБОМУҲАММЕДОВА

**Газета сешанба, пайшанба, жума кунлари чиқади.**
**Буюртма Г-914, ҳажми 2 босма табоқ.**

**Офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-3.**

**Манзилимиз:** 100000, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй

**E-mail:** info@qishloqhayoti.uz

**Босишга топшириш вақти: 21.00**
**Босишга топширилди: 02.55**
15633 нусхада босилди. Нашр индекси — 144

**Газета таҳририятнинг ўзида компьютерда терилди ва саҳифаланди.**

**“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Манзили: “Буюк Турон” кўчаси, 41-уй.**

1 2 3 4 5